

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.04.2021.Т.106.04 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВ ДИЛМУРОД АДИЛЖОНОВИЧ

ФИЗИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР ТУТГАН ЎҒИТЛАР ВА
ДЕФОЛИАНТЛАР ОЛИШНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ АСОСЛАРИ

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Эргашев Дилмурод Адилжонович

Физиологик фаол моддалар тутган ўғитлар ва дефолиантлар олишнинг физик-кимёвий асослари.....5

Эргашев Дилмурод Адилжонович

Физико-химические основы получения удобрений и дефолиантов с физиологически активными веществами.....29

Ergashev Dilmurod Adiljonovich

Physico-chemical bases of obtaining fertilizers and defoliant with physiologically active substances.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works59

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.04.2021.Т.106.04 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВ ДИЛМУРОД АДӢЛЖОНОВИЧ

ФИЗИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР ТУТГАН ӢҒИТЛАР ВА
ДЕФОЛИАНТЛАР ОЛИШНИНГ ФИЗИК-КИМӢВИЙ АСОСЛАРИ

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4. DSc/T471 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Фарғона политехника институти ва Умумий ва ноорганик кимё институтларида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш кенгаш веб-саҳифа www.ferpi.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хамдамова Шохид Шерзодовна
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Тожиев Рустамбек Расулович
техника фандари доктори, доцент

Намозов Шафоат Саттарович
техника фандари доктори, профессор, академик

Умиров Фарход Эргашович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация химояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги DSc 03/30.04.2021.Т.106.04 рақамли Илмий кенгашнинг «29» декабрь 2022 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. Тел.: (99873) 242-12-01; факс: (99873) 242-12-06; e-mail: www.ferpi.uz@mail.ru).

Диссертацияси билан Фарғона политехника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (74-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй.
Тел.: (99873) 242-12-01; факс: (99873) 242-12-06.

Диссертация автореферати 2022 йил « 17 » декабрь куни тарқатилди.
(2022 йил « 17 » декабрдаги 4-рақамли реестр баённомаси).

З.А.Хамракулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, техника фанлари доктори (DSc)

Р.М.Назирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Р.Р.Тожиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда йилига ўртача 26-27 млн тонна турли навлардаги пахта ҳосили олинади. Аҳолининг интенсив ўсиши, муносиб ер ресурслари ва сув захираларининг камайиши билан бутун дунёда аҳолининг сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш учун янги турдаги ўғитлар ва дефолиантлар ишлаб чиқаришни талаб этмоқда. Минерал ўғитлар ва дефолиантлар ишлаб чиқаришнинг энг самарали усулларида бири уларни суюқ ҳолда олишдир. Бундай ўғитлар ва дефолиантларни ишлаб чиқариш бир қатор жараёнларнинг камайишига ва қаттиқ кимёвий препаратларга нисбатан ҳаражатларнинг сезиларли даражада пасайтириш катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда маҳаллий хом ашёлар асосида мураккаб турдаги янги ўғитлар ва дефолиантлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга асосланган ҳолда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада илмий ва техникавий ечимларга асосланган маҳаллий доломитларнинг нитрат ва хлорид кислоталари ёрдамида парчалаш натижасида ҳосил бўлган маҳсулотларни (кальций ва магний нитратлари эритмаси; кальций ва магний хлоридлари эритмаси) хом ашё сифатида ишлатиш, кальций ва магний хлорид эритмасини натрий хлорати билан конверсия қилиш, ҳосил бўлган кальций ва магний хлоратлари эритмаси ҳамда азотли ўғитлар таркибларига, физиологик фаол моддалар, яъни: нитратлар, нитрат моноэтанолламмоний, карбамид ва этилен ҳосил қилувчи бирикмалар асосида ўғитлар ва дефолиантлар синтез қилиш, синтез қилинган ўғитлар ва дефолиантларнинг олиниш технологияларини ишлаб чиқиш, эколого-токсикологик хоссаларини тадқиқ этиш ва уларни қишлоқ хўжалик экинларида агрокимёвий синовлардан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда кимё саноатини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарининг хом ашё базасини маҳаллийлаштириш ва улар асосида импорт ўрнини босувчи, таркибида стимуляторлик хоссасига эга ҳамда физиологик фаол озуқа моддалари тутган ўғитлар ва дефолиантлар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича илмий ва амалий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармонининг “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш”га бағишланган 3-бандининг 22-мақсадида “Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш”¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, маҳаллий хом ашё “Навбахор” кони доломитини нитрат ва хлорид кислотлари ёрдамида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.

парчалаб, ҳосил бўлган эритмани таркибига физиологик фаол моддалар киритиб янги турдаги комплекс таъсир этувчи мураккаб суюқ ўғитлар ва дефолиантлар олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида» ги Фармонида, 2018-йил 7-майдаги ПҚ-3698-сон «Саноат ва иқтисодиётга инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2018-йил, 25-октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019-йил, 3-апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида» ги ва 2021-йил, 13-февралдаги ПҚ-4992-сон «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий реабилитация қилиш, юқори қўшимча қийматга эга кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялари ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Турли табиий ва техноген хом ашёлар асосида янги турдаги мураккаб ўғитлар ва дефолиантлар олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Florida Industrial and Phosphate Research Institute, International Fertilizer Development Center (АҚШ), University of Science and Technology (Хитой), Canadian Fertilizer Institute (Канада), Fertilizer Research Center (Польша), The Chemical Society of Japan (Япония), University of Helsinki (Финландия), профессор Я.В.Самойлов номидаги «Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот униветситети» АЖ, Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология институтларида (Россия) олиб борилмоқда.

Микроэлементли минерал ўғитлар олишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: минерал ўғитлар таркибидаги микроэлементлар микдорининг меъёрини аниқлаш, микроэлемент тузлари эритмасини доначаларга чанглатиш, уларни суюқ комплекс ўғитларда эритиш орқали амалга ошириш технологияси ишлаб чиқилган (Florida Industrial and Phosphate Research

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.fipr.state.fl.us>; <https://www.dobersek.com/ru>; <http://www.ins.pulawy.pl>; <http://en.ustc.edu.cn>; <http://www.chemistry.or.jp/en>; <http://dmpe.aut.ac.ir>; <http://www.chemistry.iitkgp.ac.in>; <http://www.just.edu.jo>; <http://www.niuif.ru>; <https://spb.ucheba.ru>; <https://www.ionx.uz> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Institute, AQSH); рухли ўғитлар, асосан, дондорлаш босқичида рухли суспензия ёки эритма билан киритиш орқали олиш технологияси яратилган (University of Science and Technology, Хитой); мис, рух, марганец, борат кислотасининг тоза тузлари ўрнига таркибида микроэлементлар бўлган турли хил шлаклардан фойдаланиш технологияси яратилган («ФосАгро-Череповец» АЖ қошидаги «Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти» АЖ, Россия); Германияда таркибига металл кукуни ҳолатидаги мис, латун ёки бодроқсимон мис (98% Cu) киритилган мураккаб NPK-ўғитлар олинган (Engineering Dobersek GmbH, Германия).

Дунёда самарали ва кам захарли ўғитлар ва дефолиантлар олиш ва қўллашнинг уствор йўналишлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги уствор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўғитлар ва дефолиантлар олиш технологияларини такомиллаштиришнинг услубий асосларини яратиш, маҳаллий доломит минералини нитрат ва хлорид кислоталари ёрдамида парчалаш жараёнида ҳосил бўладиган эритмаларни олиш технологияларини яратиш мақсадида уларнинг кимёвий ва физик-кимёвий таркибларини аниқлаш; нитратлар, нитрат моноэтаноламмоний, хлоратлар, карбамид, этанол, этилацетат, 2-хлорэтилфосфонат кислотаси ва сирка кислоталарининг моноэтаноламмонийли бирикмалари асосида таркибида физиологик фаол моддалар сақлаган стимуляторлик хоссасига эга бўлган комплекс таъсир этувчи ўғитлар ва дефолиантлар олиш технологиясини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли хил тузлар ва таркибида физиологик фаол моддалар сақлаган суюқ ва суспензиали ўғитлар ва дефолиантларни олиш бўйича тадқиқотлар билан академик М.Н.Набиев, С.Тухтаев, Б.М.Беглов, Ш.С.Номозов, Х.Кучаров, С.М.Таджиев, Р.Г.Осичкина, Б.С.Закиров, М.К.Аскарлова, А.У.Эркаев, Х.Ч.Мирзакулов, З.Исабаев, Ш.Ш.Хамдамова, З.А.Хамракулов, Б.Х.Кучаров, А.С.Тоғашаров, Ж.С.Шукуров ва бошқа олимлар кенг қамровли ишлар олиб боришган бўлиб, натижада кўплаб ўғитлар ва дефолиантларни ишлаб чиқариш технологияси яратилишига улкан ҳисса қўшишган. А.И.Имомалиев, Т.С.Закиров, А.Умаров, Р.С.Назаров, Ф.Ҳ.Ҳошимов, Ш.Ж.Тешаев, Ф.Ж.Тешаев каби етук олимлар ва бошқалар томонидан дефолиациянинг биологик ва агрокимёвий жиҳатларини батафсил ўрганиб чиқишган ва ушбу йўналиш ривожига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган.

Россиялик бир қатор олимлар А.М.Пругалов, Н.Н.Мельников, Л.Д.Стонов, К.Е.Овчаров, Н.Ф.Зубкова, Б.Ф.Федюшкин, М.О.Гумбатов, М.В.Каталымов, Я.В.Пейве, П.И.Анспок, Ю.А.Потатуева, Л.Н.Шегровлар томонидан ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг ишларидан кенг қамровли фойдаланилмоқда.

Жахонда W.C.Hall, L.C.Brown, J.C.Suttle, F.R.Katterman, C.L.Rhyne, L.T.Herbert, S.S.Lanyi, R.Slinksiene, C.James, G.Panayotova, В.Н.Мищенко, А.Г.Степченко, О.Б.Дормешкин, Н.Travis, Т.М.Bhatti, W.P.Kennedy, К.В.Keenan ва бошқа олимлар томонидан органик моддалар асосида дефолиантлар ва нитрат тузлари асосида суюқ ва суспензиали ўғитлар олиш

ва ишлаб чиқариш технологиялари бўйича қатор илмий изланишлар олиб борган.

Юқорида қайд этилган олимлар томонидан бугунга қадар “Навбахор” доломитини нитрат кислотасининг ҳар хил концентрацияларида парчалаш жараёнини ҳарорат ва вақтга боғлиқлиги, парчалаш жараёнидан сўнг ҳосил бўлган нитрат кальций-магний эритмасини таркибига физиологик фаол қўшимчалар киритиб, уларнинг визуал политемик усулда сувли системалардаги компонентларни ўзаро эрувчанлигини ҳамда эритмаларнинг реологик хоссалари ва ғўза ўсимлигининг шоналаш ва гуллаш даврларида турли меъёрларда агрокимёвий синашлар ўтказиш ҳамда ўғитларнинг олиниш технологияси бўйича етарли даражада илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Ушбу диссертация ишида “Навбахор” кони доломитини хлорид кислотаси ёрдамида парчалаб, парчалаш жараёнидан сўнг ҳосил бўлган кальций-магний эритмаларини филтрлаш йўли орқали ажратиб олиб, ажратиб олинган кальций-магний хлорид эритмасини натрий хлорати билан конверсия жараёнини ҳарорат ва вақт давомийлигига боғлиқлиги, конверсия жараёнини кинетикаси тўлиқ ўрганилмаган. Рекция натижасида ҳосил бўлган кальций-магний хлорат эритмасини (“Фандеф” препаратини) таркибига карбамид, 2-хлорэтилфосфонат кислотаси ва сирка кислотасининг моноэтаноламмонийли тузлари, этанол, этилацетатлар асосида комплекс таъсирга эга янги дефолиантлар олишнинг моддий ҳисоби, олиниш технологиясини ишлаб чиқаришнинг оптимал меъёрларини тўлиқ ишлаб чиқиш бўйича ҳозирга қадар илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Ушбу диссертация иши маҳаллий хом ашёлар асосида олинган кальций-магний нитрат ва хлорати, озиклантирувчи ва этилен ҳосил қилувчи моддалар асосида кам захарли, кўп функцияли таъсир этувчи кимёвий препаратларни олиш, уларни пахтачиликда қўллаш, ҳамда қишлоқ хўжалигида ҳосилни пишиб етилишини тезлаштирувчи, ҳосилдорликни оширувчи ва йиғим-терим муддатини қисқартирувчи препаратларни яратиш орқали бартараф этиш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институти институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Самарали дефолиант бирикмаларини илмий тадқиқ қилиш ва ғўза дефолиациясида амалий қўллаш учун экспериментал-саноат ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш” (“Farg‘onaazot” АЖнинг хўжалик шартнома иши №102-18, 13.12.2018 й. (2018-2020 йй.) номли хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади карбонатли бирикмаларни нитрат ва хлорид кислоталарда парчалаб, кальций-магний нитратлари ҳамда кальций-магний хлорат препаратларини олиш ҳамда озуклантирувчи, физиологик фаол моддалар тутган ва этилен ҳосил қилувчи бирикмалар асосида комплекс таъсир этувчи ўғитлар ва дефолиантлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Навбахор” доломит минералини нитрат ҳамда хлорид кислотасида парчалаш, ҳосил бўлган кўпикланиш жараёнини ва уни камайтириш усулларини ўрганиш;

физиологик фаолликка эга бўлган, комплекс таъсир эрувчи ўғитлар олиш жараёнини физик-кимёвий асослаш учун кальций ва магний нитрати, моноэтанолламин ва нитрат моноэтанолламмонийлардан ташкил топган мураккаб сувли системалардаги компонентларни ўзаро эрувчанлигини ва эритмаларнинг реологик хоссаларини ўрганиш;

хлорид кислотаси асосида парчаланган доломитдан ҳосил бўлган кальций-магний хлорид эритмаларини натрий хлорати билан конверсиялаш жараёнини кинетикаси ҳарорат ва вақт давомийлигига боғлиқлигини ўрганиш ва жараённинг мақбул кўрсаткичларини аниқлаш;

комплекс таъсир эрувчи дефолиантлар олиш жараёнини физик-кимёвий асослаш учун кальций ва магний хлорати, хлориди, карбамид, этанол, этилацетат, 2-хлорэтилфосфонат кислотаси ва сирка кислоталарининг моноэтанолламмонийли тузларидан ташкил топган сувли системалардаги компонентларни ўзаро эрувчанлигини ва эритмаларнинг реологик хоссаларини ўрганиш;

ўрганилган системалар асосида ўғитлар ва дефолиантларни оптимал таркибини ва агрокимёвий самарадорлигини аниқлаш;

физиологик фаол комплекс таъсирга эга бўлган ўғитлар ва дефолиантларни олиш учун технологик жараёнларнинг мақбул технологик параметрларни аниқлаш, принципиал технологик схемасини яратиш, моддий балансини тузиш, «Farg‘ona Polimer» ОАЖда ва «Elektrokimyozavod» ҚК-АЖда карбонатли бирикмалар асосида янги турдаги суюқ кальцийли ва кальций-магнийли ўғитлар ҳамда «Фандеф», «Фандеф-М», «Фандеф-аъло» (этилацетат билан), «Фандеф-аъло» (ацетат моноэтанолламмоний билан) ўғитлар ва дефолиантлар олиш бўйича ишлаб чиқилган технологияларни тажриба-саноат синовларидан ўтказиш;

таклиф этилаётган препаратларни кенг дала шароитида агрокимёвий синовлардан ўтказиш ва эколого-токсикологик хоссаларини ўрганиш;

Тадқиқотнинг объекти «Навбахор» кон доломити, нитрат кислота, хлорид кислота, нитрат кальций-магний эритмаси, нитрат моноэтанолламмоний, кальций-магний хлоридлари, натрий хлорати, кальций-магний хлоратлари, кальций-магний хлоратли препарат, карбамид, этанол, этилацетат, 2-хлорэтилфосфонат кислотаси ва сирка кислоталарининг моноэтанолламмонийли бирикмаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети карбонатли бирикма ва «Навбахор» доломитидан олинган кальций нитрати ва кальций-магний хлоратлари асосида таркибида физиологик фаол моддалар сақлаган этилен ҳосил қилувчи бирикмалар билан бирга қўллаб, янги комплекс таъсир этувчи ўғитлар ва дефолиантларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари Диссертация ишида кимёвий (аналитик кимё), визуал-политермик, пикнометрли, изотермик, термик, ИҚ-

спектроскопик ва рентгенфазали, шунингдек, визкозиметр ВПЖ ёрдамида эритмаларнинг қовушқоқлиги ҳамда рН кўрсаткичларини аниқлашда METTLER TOLEDOD FE 20/FG 2 рН метрда ва нур синдириш кўрсаткичини аниқлашда БМ модели ИРФ 454 рефрактометр таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўғитлар ва дефолиантлар олиш жараёнини асословчи кальций ва магний нитратлари, нитрат моноэтаноламмоний, кальций ва магний хлоратлари, кальций ва магний хлоратлари ва хлоридлари, карбамид, этанол, этилацетат, 2-хлорэтилфосфонат ва сирка кислоталарининг моноэтаноламмонийли тузлари асосида 9 та мураккаб сув системаларининг эрувчанлиги аниқланиб, улар асосидаги системаларнинг политермик эрувчанлик диаграммалари қурилган ва қаттиқ фазаларнинг хусусиятлари аниқланган;

янги 4 та кимёвий бирикмаларнинг $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 \cdot \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2 \cdot 8\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$, $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 \cdot \text{ClCH}_2\text{CH}_2\text{PO}(\text{OH})_2 \cdot 2\text{NH}_2\text{CH}_2\text{CH}_2\text{OH}$, $\text{MgOHClO}_3 \cdot \text{NH}_2\text{CH}_2\text{CH}_2\text{OH} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида фазаларнинг мавжудлиги аниқланган;

кальций нитрат, нитрат моноэтаноламмоний, кальций ва магний хлоратлари ва хлоридлари, карбамид, этанол, этилацетат ва сирка кислоталарининг моноэтаноламмонийли тузлари иштирокидаги системаларнинг реологик хоссалари аниқланиб, “таркиб-хосса” диаграммалари қурилган;

“Навбахор” кони доломитини нитрат кислота билан парчаланиш меъёрлари, кўпикланиш жараёни, СаО ва MgO ларини эритмага ўтиш даражалари, филтрлаш, эритманинг физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

“Навбахор” кони доломитини хлорид кислотаси билан парчаланиш кинетикаси, концентрацияси, ҳарорат ва вақт давомийлигига боғлиқлиги, кальций-магний хлорид эритмасини мақбул технологик меъёрлари ишлаб чиқарилган;

кальций-магний хлоридини натрий хлорати билан конверсия жараёнини мақбул шароитлари аниқланган;

таркибида асосий таъсир этувчи моддаси 37-41% бўлган кальций-магний хлоратларини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

янги турдаги физиологик фаол моддалар асосида комплекс таъсир этувчи ўғитлар ва дефолиантларни мақбул таркиблари ва олиш жараёнларини технологик тизимлари ҳамда уларни олиш технологияси ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

карбонатли бирикмаларни нитрат кислотаси ёрдамида парчалаб, янги турдаги суюқ кальцийли ва кальций-магнийли ўғитлар ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

карбонатли бирикмалар асосида янги турдаги суюқ кальцийли ва кальций-магнийли ўғитлар олишнинг мақбул технологик параметрлари ишлаб чиқилган;

«Навбахор» доломитини хлорид кислотаси ёрдамида парчалаб, кальций-магний хлорид ишлаб чиқариш технологияси яратилган. Бу эса импорт бишофит ўрнини тўлиқ қоплашга имкон берган;

«Фандеф-М», «Фандеф-аёло» этилацетат қўшимчали ва «Фандеф-аёло» ацетат моноэтаноламмоний қўшимчали препаратларини олишнинг мақбул технологик параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (рентгенофазали, ИК-спектрскопик ва термик, визуал-политермик) таҳлил натижалари лаборатория ва тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланган ҳамда таклиф этилган препаратларни қишлоқ хўжалигида ғўза ўсимлигида самарали ўғитлар ва дефолиантлар сифатида қўллашга тавсия этилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таркибидан кальций, магний нитратлари, нитрат моноэтаноламмоний, кальций ва магний хлоратлари ва хлоридлари, карбамид, этанол, этилацетат, 2-хлорэтилфосфонат кислотаси ва сирка кислоталарининг моноэтаноламмонийли тузларидан иборат бўлган сувли мураккаб системалардаги компонентларнинг ўзаро эрувчанлиги ва таъсирлашуви бўйича янги маълумотлар олинган. Компонентларнинг ўзаро таъсирлашуви тавсифланди ва ҳосил бўлган янги бирикмалар аниқланди. Олинган илмий натижалар янги турдаги ўғитлар ва дефолиантлар олиш технологияларини яратишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўза ўсимлигини гуллаш ва шоналаш даврларида физиологик фаол моддалар тутган ва стимуляторлик хоссасига эга ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқишга ва оптимал технологик кўрсаткичлари аниқлашга, ғўза ўсимлигида қўллаш имконини беради, шу йўналишдаги олий таълим муассасаларида қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таркибида кальций нитрат, нитрат моноэтаноламмоний, кальций-магний хлоратли препарат, карбамид ва этилен ҳосил қилувчи бирикмалар асосида самарали, комплекс таъсир этувчи ўғитлар ва кам захарли дефолиантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Фандеф-аёло» дефолианти учун техник шарт Ўзстандарт агентлиги стандартлаштириш ва давлат назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси тамонидан тасдиқланган (Ts 04643516-15:2018). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёнини назорат қилиш имконини берган;

янги кам захарли «Фандеф-аёло» дефолиантлари Фарғона вилояти ўтлоқи соз тупроқ шароитида Қува туманидаги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) ҳамда шу тумандаги фермер хўжаликлари дала майдонлари жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги № 02/025-3732-сон маълумотномаси) Натижада ғўза барглари тўкилишини ва кўсақларни пишиб очилишини тезлаштирувчи

кам захарли дефолиантлари ишлаб чиқариб, ҳозирда ишлатилаётган суюқ магний хлорат дефолиантга нисбатан пахтадан 1,5-2,0 ц/га ортиқ ҳосил олиш имконини берган;

олинган таркибида N, Ca, Mg ли ўғитлар Фарғона вилояти ўтлоқи соз тупроқ шароитида Қува туманидаги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) ҳамда шу тумандаги фермер хўжаликлари дала майдонлари жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги № 02/025-3732-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалигида етиштирилган пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб олишни, маҳаллий хом ашёлар асосида кўп функцияли таъсирга эга бўлган, кам захарли дефолиантлар олиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг техника фанлари доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 1 та монография, 19 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 12 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда **“Таркибида стимулятор ва физиологик фаол моддалар бўлган минерал ўғитлар ва дефолиантлар ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати”** адабиётлар шарҳи келтирилган, унда минерал ўғитлар, стимуляторлар ва физиологик фаол моддаларнинг ўсимликлар ҳаётидаги физиологик ва биокимёвий роли, стимуляторлар ва физиологик фаол моддалар билан минерал ўғитларни ишлаб чиқаришнинг физик-кимёвий асослари, хусусиятлари ва қўлланилиши, дефолиантлар ишлаб чиқаришнинг ҳозирги кундаги ҳолати, физиологик фаол моддалар ва дефолиантлар олишда улардан фойдаланиш, кальций ва магний хлоратлари ва хлоридлари, карбамид, этанол, этилацетат, 2-хлорэтилфосфон кислотаси ва сирка кислоталарининг моноэтанолламинли тузлари асосидаги янги

комплекс таъсир этувчи, кам заҳарли дефолиантлар ва ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва қишлоқ хўжалигида қўллаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг ““Навбахор” кони доломитидан фойдаланиб суюқ кальций-магний нитратли ўғитларни олиш жараёнини тадқиқ қилиш” деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб бориш усуллари ва хом ашёларнинг тавсифлари ҳамда “Навбахор” кони доломитини нитрат кислота ёрдамида парчалаб, ҳосил бўлган эритмани таркибида CaO ва MgO нинг эритмага ўтиш даражасини ҳарорат ва кислота концентрациясига боғлиқлиги (1-жадвал), қолаверса парчаланиш жараёнида кўпикланишни бартараф этиш йўллари баён этилган.

1-жадвал

CaO ва MgO ларни эритмага ўтиш даражасини ҳарорат ва нитрат кислотанинг концентрациясига боғлиқлиги

Ҳарорат, °C	Нитрат кислотасининг концентрацияси, %							
	20		30		40		57	
	Эритмага ажралиб қолиш даражаси, %							
	CaO	MgO	CaO	MgO	CaO	MgO	CaO	MgO
20	68,53	70,14	81,30	82,42	89,3	90,42	89,29	91,33
30	70,74	71,23	88,32	89,61	97,3	89,42	97,41	98,50
40	71,38	72,08	89,34	90,48	98,54	99,0	98,62	99,23
50	72,04	72,56	90,28	91,39	98,82	99,35	98,90	99,47
60	72,58	73,17	91,34	91,97	99,24	99,46	99,31	99,56

Доломитнинг кислотада парчаланиш пайтида кўпикланиш жараёнини тавсифловчи асосий параметр - кўпик карралиги (K_k) ҳисобланади. Кўпик карралиги-кўпик ҳажмининг (V_k) суюқлик ҳажмига (V_c) нисбатидан иборат бўлади. “Навбахор” доломитининг парчаланишида кўпикланиш жараёни 40% нитрат кислотададан фойдаланган ҳолда ўрганилган, чунки бу концентрация парчаланиш учун мақбул деб қабул қилинган.

Доломитнинг нитрат кислота билан парчаланиши пайтида кўпик ҳосил бўлишини камайтириш мақсадида кўпик карралигининг кислота бериш тезлигига боғлиқлиги ўрганилди.


Кўпик карралигининг турли хил кислота бериш тезлигига боғлиқлигини ўрганиш натижалари 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал

“Навбахор” кони доломитининг 40%-ли нитрат кислота билан парчаланишида кўпик карралигининг ўзгаришини кислота бериш тезлигига боғлиқлиги

№ т/р	Кислота бериш тезлиги V, г/дақ.	Суюқлик ҳажми, мл	Кўпик ҳажми, мл	Кўпик карралиги, K_k
1	6,5	26,5	111	4,10
2	8,0	-//-	130	4,90
3	10,0	26,5	150	5,66
4	16,5	26,5	168	6,30
5	18,0	26,5	212	8,00
6	20,0	26,5	250	9,43


$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2\text{-Mg}(\text{NO}_3)_2\text{-H}_2\text{O}$ системасида компонентларнинг эрувчанлиги $-34,0$ дан 49°C гача бўлган ҳарорат оралиғида ўнта ички кесимлар ёрдамида ўрганилган. Бинар тизимлар ва ички кесимлар маълумотлари асосида системанинг эрувчанлик диаграммаси қурилди (1-расм). Ўрганилган системанинг политермик эрувчанлик диаграммасида қаттиқ фазаларнинг олти кристалланиш майдонларидан иборат: муз, тўрт-, уч- ва икки сувли кальций нитрати, тўққиз ва олти сувли магний нитратларининг кристалланиш майдонлари чегараланган. Система оддий эвтоник типга таълуқли.



1-расм. $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2\text{-Mg}(\text{NO}_3)_2\text{-H}_2\text{O}$ системасининг политермик эрувчанлик диаграммаси


$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2\text{-HNO}_3\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}\text{-H}_2\text{O}$ системасидаги компонентларнинг эрувчанлигини $-29,4$ дан 30°C гача бўлган ҳарорат оралиғида саккизта ички кесимлар ёрдамида ўрганилган. Бинар тизимлар ва ички кесимлар маълумотлари асосида системанинг эрувчанлик диаграммаси қурилди.

Диаграммада: музнинг, тўрт-, уч ва икки сувли кальций нитратини, нитрат моноэтаноламмонийнинг кристалланиш майдонлари чегараланган бўлиб, улардан музнинг майдони диаграмманинг асосий қисмини эгаллаган (2-расм).



2-расм. $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2\text{-HNO}_3\text{·NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH-H}_2\text{O}$ системасининг политермик эрувчанлик диаграммаси


Таркибида бир вақтда кальций нитрати ва нитрат моноэтаноламин тутган ўғит олиш жараёнини асослаш мақсадида [70% $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ +30% H_2O]- $\text{HNO}_3\text{·NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ системасининг реологик хоссалари ўрганилган ва “таркиб-хоссалар” диаграммаси қурилган (3-расм).



3-расм. [70% $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ +30% H_2O]- $\text{HNO}_3\text{·NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ системадаги эритмаларнинг кристалланиш ҳарорати (1), pH (2), зичлиги (3) ва ёпишқоклиги (4) ўзгаришининг таркибига боғлиқлиги.

Шундай қилиб, таркибида кальций-магний нитрати, нитрат моноэтаноламмоний сақлаган мураккаб сувли системалардаги эрувчанлик

диаграммаларини ва эритмаларнинг физик-кимёвий хоссаларини таркибга боғлиқлигини ўрганиш натижасида куйидаги таркибли: 41÷42% Σ кальций-магний нитрат; 0,002÷0,004 шартли равишда “сКМЎ” (суюқ кальций-магний ўғити) деб номланган, янги ўғит тавсия этилди. Уни олишнинг принципиал технологик схемаси таклиф этилди (4-расм).



4-расм. Кальций ва магний нитратли эритмасини олишнинг принципиал технологик схемаси


1-бункер; 2- лентали оғирлик сарф ўлагич; 3-I-босқич парчалаш учун шнекли аралаштиргич; 4 - сақлаш сиғими; 5- вентиллар; 6-марказдан қочма насослар; 7-кислота учун диафрагмали меъёрлагич; 8-II-босқич парчалаш учун аралаштириш реактори; 9-ажралиб чиққан CO_2 йиғгич; 10-гидроциклон; 11- тиндиргич; 12,- сарф ўлагич; 13-аралаштириш реактори; 14-синтез реактори; 15- сарф ўлагич; 16-тайёр маҳсулот учун сақлаш сиғими.

Тавсия этилган технология йириклаштирилган лаборатория, «Farg‘ona Polimer» ОАЖ нинг тажриба қурилмаларида синалган ва 410 кг ўғитнинг синов намуналари ишлаб чиқилди. 1 тонна янги маҳсулот олишнинг моддий баланси ва таннархининг тахминий калькуляцияси ҳисобланган. 1 тонна “сКМЎ” (суюқ кальций-магний ўғити) ўғитнинг таннархи 5 093 630 сўмни ташкил этади.

Янги турдаги таркибида нитрат моноэтаноламмоний сақлаган ўғит олиш учун 1 тонна маҳсулот олишнинг моддий баланси ва таннархининг тахминий калькуляцияси ҳисобланган. Унга кўра 1 тонна “сКМЎ+НМЭА” (суюқ кальций-магний ўғити) ўғитнинг таркибига нитрат моноэтаноламмоний таъсир эттирилган ўғитнинг таннархи эса 5 484 255 сўмни ташкил этади.

Диссертациянинг ““Навбахор” кони доломити асосида хлорат кальций-магнийли дефолиант ишлаб чиқариш” деб номланган учинчи бобида янги самарали дефолиантлар олиш жараёнларини физик-кимёвий асослаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, унда дастлаб кальций-магний хлоридларини олиш мақсадида «Навбахор» кони доломитини хлорид кислота ёрдамида парчаланишида кўпикланиш жараёнларини ва натрий хлорати билан кальций-магний хлоридларини конверсиялаш жараёнини кинетикасини ўрганишга бағишланган.

Кальций-магний хлориди ва натрий хлорати асосида кам заҳарли дефолиант олиш жараёнини физик-кимёвий асослаш мақсадида дастлаб, $[22,52\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 17,51\% \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2 + 4,33\% \text{CaCl}_2 + 3,12\% \text{MgCl}_2 + 52,52\% \text{H}_2\text{O}] - \text{H}_2\text{O}$ системасини ўрганиш шуни кўрсатдики, унинг политермик эрувчанлик диаграммасида муз ва $\{84,3\% \sum [\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2] + 15,7\% \sum [\text{CaCl}_2 + \text{MgCl}_2]\}$ тузлар аралашмасининг кристалланиш соҳалари аниқланган. Музнинг кристалланиши $-51,0^\circ\text{C}$ да $\{84,3\% \sum [\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2] + 15,7\% \sum [\text{CaCl}_2 + \text{MgCl}_2]\}$ миқдорини 41,43% бўлгунига қадар давом этади. Бу нуқта $\{84,3\% \sum [\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2] + 15,7\% \sum [\text{CaCl}_2 + \text{MgCl}_2]\}$ нинг кристалланиш соҳаси бошланадиган ўтиш нуқтаси ҳисобланилади (5-расм).




5-расм. $[84,3\% \sum \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2 + 15,7\% \sum \text{CaCl}_2 + \text{MgCl}_2] - \text{H}_2\text{O}$ системасининг эрувчанлик диаграммаси

Кальций-магний хлорат дефолиантини олиш технологиясини ишлаб чиқиш мақсадида кальций-магний хлоридларини натрий хлорати билан конверсиялаш жараёнини ҳарорат ва жараён давомийлигига боғлиқ ҳолда ўрганилди. Конверсия даражаси ҳароратга боғлиқлиги ва унинг кўтарилиши билан конверсия даражаси ортиши аниқланди. Кальций-магний хлоридларини натрий хлорати билан конверсия қилиш жараёни эритмаларни буғлатиш билан олиб бориш орқали ўрганилди, бунда конверсия жараёни ҳарорат ва вақтга боғлиқ ҳолда ўрганилган. Тадқиқот $50, 75, 90^\circ\text{C}$ ҳарорат ва тажриба давомийлиги 30, 60, 90, 120 минут конверсион эритмаларнинг буғланиши билан амалга оширилди. Аралаштиргич билан жиҳозланган 500

см³ сифимга эга бўлган думалоқ тубли колбага 200 грамм 37,14% ли кальций-магний хлоридларининг сувли эритмалари ва унга тенг миқдорда натрий хлорат солинган. Колба маълум бир ҳароратга эга бўлган термостатга солинган бўлиб, интенсив аралаштирилади. Керакли вақт оралиғидан сўнг сувоқлик фазаси чўкмадан ажратилди ва тегишли кимёвий таҳлил ўтказилди. Хлорат ва хлор ионларининг таркиби ҳажмли перманганатометрик ва аргентометрик усуллар билан натрий оловли фотометрия ва кальций-магний ионлари комплексонометрик усуллар билан аниқланган. Олинган маълумотларга асосланиб, кальций-магний хлоридларининг натрий хлорати билан конверсиялаш даражаси ва дастлабки компонентларнинг сарфи аниқланди (6-расм, 3-жадвал).

6-расм ва 3-жадвалдан кўришиб турибдики, конверсия даражаси ҳарорат ўсиши билан ортади. 60 минут давомида 323, 348, 363К да 37,14% ли эритма жараён учун конверсия даражаси мос равишда 11,89; 22,36; 30,68% ни ташкил этади. 90 минутдан сўнг 323; 348 ва 363К ҳароратда 37,14% кальций-магний хлорид эритмалари учун мос равишда конверсия даражаси 34,31; 59,72; 76,54%га етади.



6-расм. Кальций-магний хлоридларининг натрий хлорати билан конверсиялаш даражасини ҳарорат ва вақтга боғлиқлиги


Комплекс таъсир этувчи, кам заҳарли кальций-магний хлоратли дефолиант компонентлари ва этилен ҳосил қилувчиси $\text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ асосидаги дефолиант олиш жараёнини физик-кимёвий асослаш учун $\{84,3\%\sum[\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2+\text{Mg}(\text{ClO}_3)_2]+15,7\%\sum[\text{CaCl}_2+\text{MgCl}_2]\}-\text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}\cdot\text{H}_2\text{O}$ системасининг компонентлари ўзаро эрувчанлиги олтига ички кесимлар ёрдамида ўрганилди, улар асосида системанинг политермик эрувчанлик диаграммаси қурилди (7-расм).

Системанинг политермик эрувчанлик диаграммасининг леквидус юзаси муз, $[\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\cdot\text{Mg}(\text{ClO}_3)_2]$, $[\text{CaCl}_2\cdot\text{MgCl}_2]$, CH_3COOH , $\text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ ва янги $\text{MgOHClO}_3\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ таркибли бирикмаларнинг кристалланиш майдонлари чегараланган.

3-Жадвал

**Буглатишдан кальций-магний хлорид эритмаларини конверсия қилиш жараёнида тезлик константаси ва
конверсия даражасининг ҳарорат ва жараённинг давомийлигига боғлиқлиқлиги**

Ҳарорат, К	Вақт, (τ), мин	Суюқ фазадаги $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 \cdot \text{Mg}(\text{ClO}_3)_2$ миқдори, %	Конверсия даражаси (C_K)%	Тезлик константаси, $\text{K} \cdot 10^{-2}, \tau^{-1}$	$\lg K$	$\lg(C_0 - C_r)$	Фаолланиш энергияси, (E), Kkal/mol
Кальций ва магний хлоратларининг 37,14% эритмаси учун							
323	30	5,96	11,12	0,00013427754	-3,871996624	1,802363174	5133,63136
	60	11,89	23,13	0,00313269802	-2,504081467	1,756636108	
	90	17,66	34,31	0,00326342781	-2,48632599	1,713826424	
	120	19,17	36,95	0,0026954918	-2,569361985	1,700963178	
	Ўртача				0,00152329928	-2,8579415165	
348	30	11,78	22,0	0,00027817448	-3,555682715	1,760573254	5133,63136
	60	22,36	44,38	0,00058155328	-3,23541049	1,672467313	
	90	30,89	59,72	0,006545276	-2,184072035	1,585573519	
	120	34,81	65,13	0,00580373075	-2,236292744	1,538950562	
	Ўртача				0,00330218362	-2,802864496	
363	30	17,59	34,27	0,00043711794	-3,359401369	1,714413592	5133,63136
	60	30,68	59,11	0,00972726242	-2,012009368	1,58793549	
	90	38,94	76,54	0,00915134017	-2,038515301	1,483729899	
	120	39,27	79,00	0,00695429857	-2,157746668	1,478999132	
	Ўртача				0,00656750477	-2,3919181765	



7-расм. {84,3%Σ[Ca(ClO₃)₂+Mg(ClO₃)₂]+15,7%Σ[CaCl₂+MgCl₂]} – CH₃COOH·NH₂C₂H₄OH - H₂O системасининг политермик эрувчанлик диаграммаси


Ўрганилаётган системада ҳосил бўлган бирикма кристалл ҳолда ажратилди ва кимёвий, рентгенфазавий ва термик таҳлил усуллари билан аниқланди.

Кимёвий таҳлилга кўра MgOHClO₃·NH₂C₂H₄OH·2H₂O учун:

Аниқланган масса, %: C = 17.0; H = 6.71; N = 9.90; Mg = 8.49; Cl = 12.39; O = 45.10.

Ҳисобланган масса, %: C = 17.02; H = 6.74; N = 9.93; Mg = 8.51; Cl = 12.41; O = 45.39.

MgOHClO₃·NH₂C₂H₄OH·2H₂O бирикмасини ҳосил бўлиши рентгенофаза таҳлил маълумотлари билан тасдиқланган. Дефракточизикларни ва унинг таркибий қисмларининг текисликлараро масофаларининг тегишли қийматларини таққослаш шуни кўрсатдики, бу бирикма кристалл панжаранинг ўзига хос тузилиши билан индивидуал ҳисобланади (8-расм).



8-расм. $\{84,3\% \sum [Ca(ClO_3)_2 + Mg(ClO_3)_2] + 15,7\% \sum [CaCl_2 + MgCl_2]\}$ (1), $CH_3COOH \cdot NH_2C_2H_4OH$ (2) ва $MgOHClO_3 \cdot NH_2C_2H_4OH \cdot 2H_2O$ (3) бирикмасини рентгенографияси

Шундай қилиб, визуал-политермик усулда ўрганилган $[22,52\% Ca(ClO_3)_2 + 17,51\% Mg(ClO_3)_2 + 4,33\% CaCl_2 + 3,12\% MgCl_2 + 52,52\% H_2O]$ - $CH_3COOH \cdot NH_2C_2H_4OH \cdot H_2O$ системадаги компонентларнинг ўзаро эрувчанлиги тўғрисида олинган маълумотлар кальций-магний хлорат дефолиант ва ацетат моноэтаноламмоний асосидаги янги комплекс таъсир этувчи препаратни олишда илмий асос бўлиб хизмат қилади. Системада $MgOHClO_3 \cdot NH_2C_2H_4OH \cdot 2H_2O$ бирикмасининг ҳосил бўлиши аниқланди. Бирикма кимёвий, термик ва рентгенофазавий таҳлил усуллари билан аниқланган. Дефолиация жараёнида синтез қилинаётган препаратнинг физиологик фаоллигини сақлаб қолиш учун бошланғич компонентларнинг зарур диапозони хлорат 39,2 - 39,7% дан, ацетат моноэтаноламмоний 0,72 - 2,00% дан ошмаслиги керак.

Диссертациянинг “Кальций-магний хлорат препарати, карбамид, этилен маҳсулотлари асосида дефолиант ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш ва унинг экологик-токсикологик, агрокимёвий хусусиятлари” деб номланган **тўртинчи бобид**а таклиф этилаётган препаратларнинг таркибига киритилган қўшимча моддаларнинг кинетикаси ва реологик хоссалари ва ишлаб чиқариш принципал технологик схемасига бағишланган.

Маҳаллий хом ашёлар асосида ишлаб чиқилган кўп функцияли препаратларни олиш учун хом ашё бўлиб кальций-магний хлорат, карбамид, этанол, этилацетат ёки ацетат моноэтаноламмоний хизмат қилади. Улар

сувда яхши эрийди ва ҳарорат кўтарилиши билан ортади. Маълумки, карбамиднинг: 0, 10, 20, 30, 40 ва 50°C ҳароратларда эрувчанлиги мос равишда 39,4; 45,2; 51,1; 56,3; 61,2 ва 66,1% га тенг.

Ацетат моноэтаноламмонийнинг 0, 10, 20, 30, 40 ва 50°C да эрувчанлиги 82,8; 85,2; 88,0; 90,0 ва 94,9% га тенг. Кальций-магний хлорат ва этанол сувда чексиз эрийди.


[21,8%Ca(ClO₃)₂+19,5%Mg(ClO₃)₂+3,7%CaCl₂+3,7%MgCl₂+51,3%Н₂O]-СО(NH₂)₂-Н₂O тизимни ўрганиш натижаларидан ва ушбу тизимнинг “таркиб-хосса” диаграммасини таҳлил қилиш (3-бўлим) асосида таркибида озучавий компонент-карбамид бўлган кальций-магний хлорат дефолиантига асосланган янги препаратни олиш учун карбамидни кальций-магний хлорат препаратининг эритмасида 1,0:0,08÷0,12 масса нисбатида эритиш керак.

Бунда яхши физик-кимёвий хоссага эга бўлган, ўртача кристалланиш ҳарорати 1,9°C, қовушқоқлиги 8,14 мм²/с, зичлиги 1,4830 г/см³ ва рН=4,45 бўлган дефолиант ҳосил бўлади.

Юқоридаги тизимнинг “таркиб-хосса” диаграммаси бўйича кальций-магний хлоратли дефолиант эритмасида 8 дан 12% гача карбамиднинг эриши гомоген холдаги эритма холида бўлади, унинг кристалланиш ҳарорати эса 3,0°C дан -2,4°C ҳароратгача пасайиши кузатилади. Карбамиднинг концентрацияси 14,55% ни ташкил этганда эса Са(ClO₃)₂·Mg(ClO₃)₂·8СО(NH₂)₂·4Н₂O кристал холдаги янги модда ҳосил бўлиши кузатилади, унинг кристалланиш ҳарорати эса -4,3°C ташкил этади.

Шунинг учун кальций-магний хлоратли дефолиант эритмасида карбамиднинг оптимал таркиби 8-12% гача бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, таркибида кальций ва магний хлоратлар, карбамид, этанол, этилацетат, ацетат моноэтаноламмоний тутган мураккаб сувли системалардаги эрувчанлик диаграммаларини ва эритмаларнинг физик-кимёвий хоссаларини таркибга боғлиқлигини ўрганиш натижасида қуйидаги таркибли: 34,0÷36,0%∑хлорат кальций ва магний; 8÷10% карбамид, 4÷8% этанол, 0,2÷0,4% этилацетат ҳамда 34,0÷36,0%∑хлорат кальций ва магний; 8÷10% карбамид, 4÷8% этанол, 0,2÷0,3% ацетат моноэтаноламмонийлар асосида шартли равишда «Фандеф-аъло» деб номланган, яғни дефолиантлар тавсия этилди. Уларнинг олиниш принципиал технологик схемалари таклиф этилди (9-расм).



9-расм. “Фандеф-абло” дефолиантларини олишнинг принципиал технологик схемаси


1,11,14,18-ҳажм-сақлагич; 2-вентиллар, 3-марказдан қочма насослар; 4,9,12,15,17,19,23-сарф ўлчагичлар; 6,21-бункерлар; 7-лентали сарф ўлчагич; 5,10,13,20- реакторлар, 8,16,22,24-оралиқ сақлагич; 25-қадоклаш қурилмаси.

Тавсия этилган технология йириклаштирилган лаборатория, «Farg‘ona Polimer» ОАЖ ҳамда Навоий вилоятидаги «Elektrokimyozavod» ҚК-АЖларнинг тажриба қурилмаларида синалган.

Кальций-магний хлорат, карбамид, этанол ва этилацетат асосида олинган дефолиантнинг барқарорлиги 25 ва 50°C ҳароратда 12 ой давомида сақланиш муддатига қараб ўрганилди. Тадқиқот натижалари 10-расмда келтирилган.

1 ой ичида 25°C ҳароратда хлорат-ионнинг йўқолиши 0,10% ни ташкил этиши аниқланди. 6 ой ичида хлорат-ионнинг нисбий йўқотилиши 0,62; 12 ойдан кейин эса -1,20% ни ташкил этди.

50°C ҳароратда дефолиантнинг хлорат ионини йўқотиш қиймати 1, 6 ва 12 ойдан кейин мос равишда 0,16; 0,92; 1,81%ни ташкил қилади. 1 ой давомида 25°C ҳароратда этанолнинг йўқолиши 0,20% ни, 6 ой ичида 1,08% ни ташкил қилади, этанолнинг нисбий йўқолиши 12 ойдан кейин эса -1,75% ни ташкил қилади.



10-расм. “Фандеф-аъло” препаратига сақлаш муддатига қараб хлорат-ион ва этанолнинг нисбий йўқотишлари

1-t = 25°C да хлорат - ионнинг йўқолиши; 1`-t =50°C да хлорат - ионнинг йўқолиши;

2-t =25°C да этанолнинг йўқолиши; 2`-t =50°C да этанолнинг йўқолиши.

1, 6 ва 12 ойдан кейин 50°C ҳароратда дефолиантдаги этанолнинг йўқотилган миқдори мос равишда 0,28; 1,47; 2,24% ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, натижалардан келиб чиқадики, кальций-магний хлорат, карбамид, этанол ва этилацетат асосида олинган дефолиант 25-50°C ҳарорат оралиғида сақлашда етарли даражада барқарорликка эга.

Хлорат ионининг нисбий йўқотишлари унчалик катта эмас ва мос равишда 1,20-1,81% ни ташкил қилади.

Диссертациянинг бешинчи бобида **“Тавсия этилган дефолиантларнинг агрохимёвий самарадорлиги ҳамда экологик-токсикологик хусусиятлари”**га бағишланган. Таркибида бир вақтда кальций-магний хлоратли препарат, карбамид, этанол ва этилацетат тутган препарат олиш жараёнини асослаш мақсадида:

